



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000-йил 17 октябр соҳибна
Сотувда эркин нархда
№ 206 (2503)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
девори Ишлар бошқармаси ҳузурдаги
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернини
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси этиб ўзгартириш тўғрисида

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари янада чуқурлаштириш, республиканинг матбаа тармоғини ривожлантиришга, техника билан қайта қуроллантириш ва янгилашга хорижий сармояларни кенг қўламда жалб этиш учун қўлай шарт-шароитларни вужудга келтириш асосида ахборот-ноширлик фаолиятини ташкил қилишни тақомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2000 йил 3 апрелдаги 159-ф қарори билан тузилган Ишчи комиссиясининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти девори Ишлар бошқармаси ҳузурдаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернини «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси этиб ўзгартириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
2. Қуйдагилар «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин: республикада нашриёт-матбаа ишини янада ривожлантириш ва сифатини ошириш; аҳолининг юқори сифатли матбуот маҳсулотига

бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш, нашриёт-матбаа маҳсулотини бозорини шакллантиришда фаол иштирок этиш;

хўжалик юртишнинг бозор усулларини кенг жорий этиш, компаниянинг молиявий-иқтисодий аҳолини мустаҳкамлаш; матбаа ишлаб чиқаришини техника билан қайта қуроллантириш ва янгилашга хорижий сармояларни жалб этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, илгор хорижий технологияларни матбаа соҳасига татбиқ қилиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси:

очик турдаги акциядорлик жамияти шаклида таъсис этилади ва у юридик шахс саналади;

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

4. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 5 ноябрдаги ПФ-286-сон Фармони ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда ишбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти


И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 16 октябр.

ЯҚДИЛЛИК — МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИНИНГ МЕЗОНИ

16 октябр куни Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди

«Дўрмон» қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтгач, икки мамлакат президентлари Ислон Каримов ва Аҳмет Сезер яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентларнинг музокаралардан кейин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувида таъкидланганидек, суҳбат чоғида томонларнинг қатор халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича яқдил экани аён бўлган. Бу яқдиллик ўзаро муносабатлар ривожига катта туртки бўлиши алоҳида таъкидланди.



Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстона алоқалар икки мамлакат халқлари учун ҳамisha алоҳида эътиборда бўлиб келган. Ислон Каримовнинг Туркияга, расмий Анкара раҳбариятининг Ўзбекистонга ташрифлари катта эътиборга молик воқеа сифатида қарши олинади. Айтиш мумкинки, Аҳмет Сезернинг Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга бу юрган мазкур илк расмий ташрифи ҳам ана шундай руҳда бошланди.

Президентларнинг яккама-якка суҳбатида ҳам, икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳам ўзаро муносабатларга оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Иқтисодиёт борасида товар алмашув ҳажмини ошириш, мавжуд алоқаларни кенгайтириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш борасида ўзаро фаол фикр алмашилиб, бу мақсадлар йўлида икки томондан ҳам бор имкониятларни ишга солишга келишиб олинди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик барқарор ривожланипти. Бугунги кунда мамлакатимизда Туркия ишбилармонлари иштирокида тўрт юзга яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида иш юритмоқда. Юртдошларимиз-

га «СамКочавто», «Демир», «Косонсой—Текмен» каби корхоналар, «Айсел», «Аларко» каби компаниялар яхши таниш.

Умуман олганда, савдо-иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилган. Бунинг ҳуқуқий пойдевори ҳам мустаҳкам. Аммо, очингани айтганда, ҳозирги кунда бу борадаги алоқалар кутилган суръатга ва имконият даражасидаги самарга эга эмас. Аҳмет Сезернинг таъкидлашича, ўтган йили ўзаро товар айирмовлаш ҳажми 150 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Бу кўрсаткич мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳиятига мос эмаслиги кўриниб турибди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Туркия ўртасида ҳамкорлик тўғрисида президентлар томонидан имзоланган қўшма баёнот бу суҳбатдаги бартараф

этишга хизмат қилади.

«Дўрмон»даги музокаралар чоғида ижтимоий, маданий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Президент Ислон Каримов ҳамкорлик борасида қабул қилинган қўшма баёнот келгусида ана шу соҳалар бўйича тузилиб, амалга ошириладиган улкан лойиҳалар учун ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлади.

Президентлар имзо чеккан иккинчи муҳим ҳужжат Ўзбекистон билан Туркия ўртасида террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотидир. Сир эмаски, асримииз сўнггида инсоният катта муаммоларга дуч келди. Бу бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалаётган халқаро террорчилик, экстремизм,

гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик каби иллатлардир. Олам аҳлининг қаттиқ ташвишга тушаётгани шунданки, бу иллатларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини келтириб чиқармоқда. Зеро, террорчилик ортида гиёҳвандлик моддалари савдоси, унинг ортида эса уюшган жиноятчилик турибди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Ўзбекистон ва Туркиянинг бундай иллатларга қарши кураш масаласидаги яқдиллиги ва бунинг натижаси ўлароқ, икки давлат раҳбарлари томонидан қўшма баёнот имзоланиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, террорга қарши курашда муросасиз бўлган Туркия шу вақтгача бу борада катта тажриба орттирган. Ўзбекистон учун бу тажриба қўл

келиши тайин. Лекин айна чоғида террорга қарши курашда бир томонлама ёрдам кўрсатиш ҳақида гап кетаётгани йўқ. Бошқача айтганда, икки мамлакат ҳам бир-бирига ёрдам беради. Президентлар бу борада қўшма баёнот қабул қилган бўлса, Ўзбекистон мудофаа вазири Қодир Фуломов ҳамда Туркия Қуролли Кучлари Бош штаби бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант Унол Унсипохи ўғли бу баёнотни ҳар томонлама мустаҳкамлайдиган ва қучайтирадиган бошқа ҳужжат — ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга имзо чекишди.

Музокаралар натижаси ҳақида муайян хулоса чиқариш учун учрашув якунида президентлар таъкидлаган бир гапни эслаш kifoya. Давлат раҳбарлари мулоқотлар қизиқарли ва мазмунли ўтганини, улардан қониқиб ҳосил қилганликларини қайд этишди. Ислон Каримов Туркия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш йўлида ташланган муҳим кадам бўлишини таъкидлади.

Туркия Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА)

СУРАТДА: ташриф пайтидан лавҳа.

Д. ЮСУПОВ ва
Р. ЖУМАНИЁЗОВ
олган сурат.

ЮНСИТРАЛ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу кунларда мамлакатимизда БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи комиссияси (ЮНСИТРАЛ) вакиллари меҳмон бўлиб турибди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида музокара ўтказишди. Учрашув чоғида ЮНСИТРАЛ ходимлари республикада дунё иқтисодиётига интеграциялашуви учун яратилган ҳуқуқий меъёрлар билан қизиқди.

Ўзбекистонда хорижий сармоя ва савдо-со-

тиққа оид талай қонунлар қабул қилинган бўлиб, бу ҳужжатлар чет элликларнинг юртимизга сармоя ётқизиши учун жуда қўлай ва фойдаларли шарт-шароитни кўзда тутади. Меҳмонларга мазкур ҳуқуқий меъёрлар ҳақида қисқача тушунча берилди. Учрашувда бу борадаги қонунларнинг халқаро ҳуқуқларга мос тушиши юртимизга сармоя оқимини қучайтиришда катта аҳамиятга эга экани таъкидланди.

(ЎЗА)

Евроосиё — хомхаёл

Божхонадан гапхонага

Яқинда Божхона иттифоқига аъзо давлатлар — Россия, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг учрашувида мазкур ташкилотни Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига айлантириш тўғрисида дастлабки келишувга эришилди. Бугунги кунда ушбу воқеа турлича баҳоланмоқда. Ҳўш, аслида мазкур янги ташкилот тузилишига сабаб нима? Унинг мақсадлари-чи? Мухбиримиз бу каби саволлар билан сийбатушунослик фанлари доктори Сайфиддин ЖўРАЕВГА мурожаат қилди.

Сўзбатдош:
Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

— Ушбу воқеа ташқаридан қараганда, гўёки унга аъзо давлатларнинг кўпгина муаммоларини ҳал қила оладигандек туюлади. — деди С. Жўраев. — Аммо Бу учрашувни чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, айрим қатнашчиларнинг жуда «узқон»ни кўзлаб ҳара-

кат қилаётганликларини, баъзи ҳолларда эса эски тузумни қўмсаётганликларини сезиш қийин эмас.

Хабарингиз бор, 1995 йил юқорида зикр этилган давлатлар томонидан Божхона иттифоқи тузилган эди. Уша йили Россия, Беларус ўртасида тузилган шартномага бир йилдан сўнг Қозоғистон, Қирғизистон ва 1999 йилда Тожикистон ҳам қўшилди.

Шартнома қатнашчилари худудда эркин иқтисодий маконни яратиш йўлида божхона, савдо-сотик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши керак эди. Лекин ушбу ташкилотнинг беш йиллик фаолияти ҳеч нарсани ҳал қилмаганлигини кўрсатди. Аксинча, янги-янги муаммолар келиб чиқди.

— Сиз шу ўринда бу ҳақда қандай аниқ да-

лилларни айтишингиз мумкин?

— Биласизми, тузилган шартномага кўра, Божхона иттифоқига кирувчиларнинг худудда дастлаб «эркин савдо зона»си тузилиши керак эди. Лекин бу гаплар қоғозда қолиб кетди. Негача, шартнома қатнашчилари орасида эркин савдо худуди яратиш бўйича қилинган ҳаракатлар умуман бир-бирига зид бўлиб, кўпгина ишларга тўқсинлик қилди. Қолаверса, шартномага мавофик иштирок этувчи давлатлар божхона тўловларини тартибга солишлари, яъни ҳамма томонлар учун мос келувчи ягона тартиб ўрнатишлари ҳам лозим эди. Бирок, бу ҳам улар ўртасида янги зиддиятларни келтириб чиқарди. Бошқача айтганда бўлсак, божхона иштирокчилари ўзлари учун мос тўловларни ўрната бошладилар. Масалан, ўтган йили Қозоғистон ўз худуд

(Давоми 2-бетда).



Азиз муштарий! Сизга хўш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

Ўзбекистон — Туркия: ҳамкорлик уфқлари



Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

— Корхона иш бошлаган вақтдан бундан 120 дан зиёд машиналаримиз Россияга, 30 дан ортиқ автобус ва юк машиналаримиз Қирғизистонга экспорт қилинди...

юк машиналари ва яна шунча турдаги йўловчи ташушга мўлжалланган автобуслар ишлаб чиқарилапти. Туркиялик ҳамкорларимиз билан ишни тўғри йўлга қўя олганимиз ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошшишига имкон яратмоқда.

русумли автобуслар ва «35,09», «65,09», «80,12» русумли юк машиналарига юқори баҳо беришаётир. Айниқса, улар тезкорлиги, чидамлилиги, кам ёнилғи сарфлаши билан эътиборга лойиқ. Шу боис бу машиналарнинг хари-дорлари кун сайин ошиб бораёпти.

«САМКОЧАВТО» ЖАҲОНГА ЧИҚМОҚДА

Абдурашул САТТОРОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

«СамКочавто»... Шинам, қулай бу автобусларнинг афзаллигини, энг аввало, самарқандликлар синаб кўришди, десак асло хато бўлмас. Чунки мазкур қўшма корхона туркияликлар билан ҳамкорликда айнан Самарқандда қурилиб, ишга туширилди.

«СамКочавто»да меҳнат қилаётган қайси ишчи билан суҳбатлашманг, уларнинг сўзида гурур ва ифтихор туйғулари уфуриб турибди. — Қаранг, бугун ўз машиналаримиз бор. — дейишмоқда улар ўз қувончларини яширолмайд.

лишига ҳисса қўшиш, янги иш ўринлари яратиб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишига ҳисса қўшишди. Туркиялик ишбилармонлар ҳам уларнинг бундай саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашапти.

«СамКочавто» қўшма корхонаси меҳнат аҳли йигирма биринчи аср бўсақасида оидин орзулар билан яшаётти, ана шу орзулар-ла нафас олаётти. Жамоянинг истиқболдаги режалари эса юқас. Асосийси, мамлакатимиз учун етарли миқдорда автобуслар, юк машиналари тайёрлаб бериш, шу тариқа иктисодийтимизнинг юқса-

Ҳар гиштию ускунаси — ҳамкорлик маҳсули

Норзулла РАВШАНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

«Қаштек» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти 1996 йил 10 декабрда ишга туширилган, — дейди бош муҳандис Раҳмон Қодиров. — У бир завод ва 5 та фабрикадан иборат. Ҳа, ажабланманг. Пахта тазолаш заводимиз 25 минг тонна хомашёни қайта ишлаш қувватига эга. Тикув, ип йиғирув, тўқув, бўёқ ва газлама фабрикалари тинимсиз ишлаб турибди.

«Яеко» корпорацияси мутахассислари бизга ёрдам беришди. — суҳбатга қўшилиди жамиятнинг ходимлар бўлими бошлиғи И. Жуманов. — Масалан, ишчиларимизга газлама тўқини Меҳмет Узоғран, Ҳусайн Ускуз, Тавр Қая, ип йиғиришни Усмон Етим, бўёқ тайёрлашни Жалол Унжу, технолог-дизайнерликни Чакр Юксел каби муҳандис-техниклар ўргатишди.

гимизга махсус ўқув машғулоти асосида ҳунар ўргатишди. Энди эса кечаги шогирдлар бугун ускуналик қилишмоқда. Масалан, Гулҳебра Жабборов тикув шеҳида бошлиқ, Новаёт Жумаева эса қўли гул тикувчи. Икром Исмоиловнинг туркиялик мутахассис Усмон Етимдан касб сирларини кунт ва қасфала билан ўргангани ип йиғирув цехига бошлиқ бўлганда қўл келди. Малоч Мақсудовани айтмай-сизми? Ип йиғирув операцияси соҳасида унга тенг келадигани йўқ. Нурали Маҳматовнинг эркаклар қўйла-

ри билан Евроосиё ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Европа Иттифоқи эллик йил давомида шаклланиб келди. Иттифоққа кирувчи мамлакатлар ўртасидаги иктисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатлар бирон бир томоннинг манфаатига зарар етказмасдан ҳал қилиб келинади. Энг муҳими, ЕИга аъзо давлатлар каттаюкички бўлишидан қатъи назар тенглар ичида тенг. Евроосиё эса бу жараёнлардан анча узоқ. Чинакам интеграция эса тенглик асосида қурилади.

Божхонадан гапхонага

(Давоми. Боши 1-бетда).

дига Россиядан олиб келинаётган озиқ-овқатлар учун 200 фоиз пошлина ўрнатди. Бир ойдан сўнг эса, худди шундай тартибни Қирғизистонга ҳам жорий этди. Шуларга асосланиб, айтиш мумкинки, Божхона иттифоқи МДХдаги энг самарасиз ташкилот бўлди.

— Лекин бунга қарамасдан ушбу ташкилотни янги босқичга олиб чиқишга асосланган Евроосиё иктисодий ҳамжамияти тузилди. Сизнингча, бунинг сабаблари нимада? — Бунинг юқоридидаги далилларни ҳисобга олган ҳолда, «чала тугилган» ташкилот, реал аҳволни билмасдан мазкур ташкилот атрофида бошқа давлатларни сунъий равишда қовуштиришга уринаётган бир гуруҳ сиёсатчиларнинг навабатдаги хомхаёли, дейишимиз мумкин. Аммо ушбу сай-ҳаракатларнинг тагида кўз илғамас бошқа жиҳатлар борлигини ҳам унутмаслик керак.

Озарбайжон, Грузия каби мамлакатлар «катта оғат» таъсир доирасидан чиқиб мустақил сиёсат юрита бошладилар. Ушбу давлатларнинг иктисодий-сиёсий, технологик салоҳияти, уларнинг танлаган йўли йўлбошчиларининг оқил сиёсати тўғрисида ҳақон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. Бу ҳолат, табиийки, кимларнингдир яширин манфаатларига бутунлай зид келди.

Аммо шунинг баробарида Ҳамдўстлик орасида ўз-ўзини таъминлай олмайдиган, бошқа мамлакатлар ҳисобидан сиёсат юргизадиган давлатлар ҳам пайдо бўлди. Устига-устак, уша йиллари Россия ички сиёсатида ўзгаришлар юз бера бошлади. Мамлакат жамоатчилигида империяпараст сиёсатдонлар ўзларининг мавқеи ҳақонда пасайиб бораётганлиги ҳақида фикрлар айта бошладилар. Юқоридидаги ҳолатларга қарши қандайдир жавоб сифатида бир мамлакатнинг сиёсий мақсадлари, манфаатлари йўлида турли хил ташкилотлар — «иккилик», «тўртлик», «Божхона иттифоқи» тузила бошлади. Қўришиб турибдики, бу ерда ўз мақсадларига эришиш учун бошқа мамлакатларни қандайдир ҳарбий-сиёсий блок тузишга ундаш мавжуд. Евроосиё иктисодий ташкилоти орқали ҳам худди ана

шу мақсадлар қўзланган бўлса ажаб эмас. Аммо фикримизча, ушбу ташкилот ҳеч ҳаётий заминга сунямаган мақсадсиз бир хомхаёлдир.

— Бунинг аломатларини нимада кўриш мумкин? — Аввало, Евроосиё ҳеч қандай юридик асосга эга эмаслиги учун унинг иш-тироқчилари бир-бирларининг олдига ҳеч қандай масъулиятлари йўқ. Иккинчидан, бу ташкилотдан иштирокчилар бир хил ёки ўз манфаатларига мос фойда олмайдилар. Чунки унга аъзо давлатларнинг потенциаллари ва шунга мос қарор қабул қилишда фарқлар жуда катта. Расман Россия 48, Қозоғистон, Беларус 20 фоиздан, Тожикистон, Қирғизистон 10 фоиздан иборат овозга эга бўлса-да, амалда масалани ким қандай ҳал қилиши ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, ҳамжамият ичидаги бир қатор муҳим иктисодий, коммуникатив муаммолари ҳал қилинмаган. Қолаверса, айрим иштирокчилар ушбу жараёндан тактик жиҳатдан фойда олишни қўзлаб-қўзлаб кўришни ҳам қўришиб турибди.

— Ҳозирда ушбу иттифоқ иштирокчилари Евроосиёни ҳатто Европа Иттифоқи (ЕИ)га ўхшатмоқдалар... — Очиги, бу кишини ажаблантиради. Чунки ЕИ

билан Евроосиё ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Европа Иттифоқи эллик йил давомида шаклланиб келди. Иттифоққа кирувчи мамлакатлар ўртасидаги иктисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатлар бирон бир томоннинг манфаатига зарар етказмасдан ҳал қилиб келинади. Энг муҳими, ЕИга аъзо давлатлар каттаюкички бўлишидан қатъи назар тенглар ичида тенг. Евроосиё эса бу жараёнлардан анча узоқ. Чинакам интеграция эса тенглик асосида қурилади.

— Шундай экан, Сизнингча, МДХ доирасида интеграция қандай тартибда амалга оширилади? Бу ҳақда бирор фикр билдиришингиз мумкинми? — Албатта. Дейлик, мамлакатимиз бу мақсадга эришиш учун Президентимиз Ислам Каримов ишлаб чиққан ва татбиқ этилаётган тамойилларга асосланади. Улар нима-лардан иборат, дейишингиз мумкин. Давлатларнинг тўлиқ тенг ҳуқуқлилиги, эркинлиги, мустақиллиги ва суверенитетининг сақланиб қолиши, шунингдек, ўзининг имконияти ҳамда куч-қудратига таяниши лозим. Интеграцион жараёнларни бир мафкурага бўйсундириш мутлақо тўғри келмаслиги ва уни сунъий равишда тезлаштирмаслик ҳам ана шу тамойиллар сирасига кирди. Ушбу шароитлар интеграциялашув йўлидаги ҳар қандай муаммоларни еча олади. Бундан ташқари, ушбу тамойиллар МДХдаги реал ҳолатни ифода-лаб, Ҳамдўстликнинг тақомиллашувига олиб келади. Бу энг тўғри, энг мақбул йўлдир.

Энди саволингизга жавоб бериш учун ўтган 5-6 йиллик воқеаларни эсга олиш керак, деб ўйлайман. Ҳаммамизнинг ёдимизда 1995 йилга келиб, Ҳамдўстлик давлатларининг кўпчилиги ўз тараққий йўлини танлаб, ҳақон иктисодий, сиёсий жараёнларига қара бошлади. Ўзбекистон, Украина,

Очилган имконият

М. САФАРОВ

Бундан уч йил олдин Тошкент вилоятининг Қўбрай тумани худудида Туркиянинг «Доусан» фирмаси ҳомийлигида «Кетгут-силк» корхонаси ишга туширилди. Тиббиёт учун зарур бўлган жаррохлик тикув ипи ишлаб чиқаришга икти-сослаштирилган бу корхонанинг асбоб-ускуналари ана шу хорижий фирма орқали келтирилди. «Доусан» фирмаси корхонанинг хомашё билан таъминлашига ҳам яқиндан қўмақлашиб келмоқда.

Орадан қисқа вақт ўтиб, корхона мустақил оёққа босиб, бинойидек иш юрита бошлади. Ҳозир у очик турдаги акциядорлик жамияти мақомини олди. Корхона бир йилда 300 минг погон-метр жаррохлик ипи ишлаб чиқармоқда.

— Корхонамиз маҳсулоти халқимизнинг савоматлиги учун жуда зарур. Биз республиканинг жаррохлик йўналишидаги тиббиёт муассасаларини ўз маҳсулотимиз билан таъминлаб келаямиз. Со-биқ совет даврида бундай иплар фақат Қозон шаҳрида ишлаб чиқарилад эди. Ватанимиз мустақилликка эришгач, тиббиётимизга зарур бу маҳсулот хориждан доллар эвазига келтирилишига эҳтиёж ту-ғилди. Бизнинг корхонамиз ўз маҳсулоти билан бундай ошикча сарф-ҳаражатларнинг олдини олади.

Утган 9 ой мобайнида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1999 йилнинг шу давридаги нисбатан 158 фоиз ўсди, товар ишлаб чиқариш эса солиштирма нарҳда 134 фоизни ташкил этди. Қўринадик, ютуқлар бор. Лекин энг муҳими бу эмас. «Қаштек», аввало, мустақиллик иншооти. Унинг ҳар бир гиштию, ускунаси — ҳамкорлик маҳсулидир. Ҳамкорлик эса тараққийга хизмат қилаёттир.

Корхона фаолиятини келгусида янада кенгайтириш, техник жиҳозларини янгилаш режалаштирилмоқда. Яқин келажақда «Кетгут-силк» ўз ишлаб чиқариш кўрсаткичларини янада оширади, бунинг устига жаррохлик ипидан ташқари, корхонада тиббий шойи-синтетик тола ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйлади.

Кишининг талаби қатъий

Утган йили қишда Қумқўрғондаги 1-туман шифохонаси ходимлари газ ўчоқлари... ўтин ёқиб, шу йўл орқали хоналарни иситган эди. Бу йил ҳам улар ушбу усулни қўллаш мақсадида шифохона худудида ўзлари ўстирган дарра-хт шохларини бутаб, ўтин ғамлаб қўйишди. Чунки газдан умид йўқ. Газ қувурининг бош трассасида бошланган таъмирлаш ишлари ўлда-жўлда ётибди.

Газ ўчоғидаги...ўтин

Олимжон УСАНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Савол туғилади: «Биз вилоятни 50-60 фоиз газлаштириб юбордик», деб ҳар икки гапнинг бирида мактабнишга ўрганиб қолган «Сурхондарёга» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутасаддилари нима иш қилишапти? Гапнинг очиги, кейинги пайтларда улар ўзлари белгиланган режаларни барбод қилишга ўрганиб қолганга ўхшайдилар. Бир жойга қарасангиз, газ босими мурватларни отиб юбор-ғудай даражада. Яна бир жойга қарасангиз, айрим йўналишларга кишин-ёзин газ узатилмайди.

Дарвоқе, 1-шифохонада 13 та газ ўчоғи бор. Газ ўчоғини, биласизки, ўтиннинг чўғи қайнатолмайди. Демак, хоналарни иситолмайди. Агар таъмирлаш ишлари чўзилверсамиз, шифохона яна ўзининг бултурги «касали» билан оғриб қолиши ҳеч гап эмас.

Шу тумандаги «Қамолот» хўжалигининг даволаш муассасаси мудири Сафар Аҳмедов эса бу йил тақий қилинган кўмирни олмайдиган бўпти. — Бизга бериладиган Шарғуннинг дондор кўмирини бултур ёқиб қуришга кўп уриндик, — дейди у. — Лекин ёқолмадик. Ёнмайди. Чунки ярмидан кўми — қул. Кўмирнинг эмас, тоғ жинсларининг қули. Печкага анави дарраҳтларнинг шох-шаббаларини кесиб ёқармиз. Ахир, илоҳи йўқ-да бошқасининг.

Марказий шифохона бош врачининг ўринбоса-

ри Иброҳим Чоршанбиевнинг айтишича, тумандаги даволаш муассасаларига 300 тоннага яқин кўмир етказиб берилган. Ҳаммаси — Шарғуннинг кўмири.

Шунақа қул-кўмирни мен Шўрчи туманидаги 29-ўрта мактаб ховлисида ҳам кўрдим. Кўмирхона ўзимга мактаб кутубхонасининг ёнида жойлашган экан, кўмирнинг қули ҳатто кутубхонадаги китобларнинг қатларига уриб кетибди. «Бу ёнади-ган кўмирми?» деб сўрасам, директор ўринбосари Мардон Отамуродов елка қисиб қўйди. Бунинг устига, мактабнинг ховлисида дурустроқ дарраҳт ҳам ўстирилмаган. Мабодо қиш қаттиқроқ келса, Сурхондарёнинг ховлисида дарраҳт ўстирилмаган кўпгина мактаблари ва шифохоналари «тумовлаб» қолиши турган гап.

«Оғзи қуйган қатқини ҳам пуфлаб ичди» деганларидек, қумқўрғонлик шифокорлар қишга илоҳи борича пухтароқ тайёрларлик кўрмоқдалар. Ҳозирдан ҳатто чироқлар, лампашишалар ва керосин ҳозирлаб қўйилди. Деразаларнинг синган ойналари ўрнига бўлса плёнка ёпиштири-яптилар...

Ҳар ҳолда «Ёз — ёпин-чигинни қўйма, қиш — ўзинг биласан» деган гап бор. Сурхондарёда баъзи раҳбарлар бизда қиш бўлмайди, деган гапни айтишаётган эмиш. Қани, кўрайликчи, уларнинг баборапти тасдиқланадими ёки яна қул-кўмирга қунимиз қоладими?



Қўли гул ЧЕВАР

Римма Очилваннинг номи Коровулбозор туманида кўпчилиқка таниш. У тиккан бежирим кийимлар ҳар қандай аёлга ўзгача чирой бахш этади. Сабаби, у ўз устида ишлайди, ўқиб ўрганади. Жаҳон андозларига жавоб берадиган, энг замонавий кийимлар ҳақида бош қотиради. Эскизлар чизади, тикади. Балки шу боис ҳам Риммаҳоним тиккан кийимлар катталарга салобат бахш этса, ёшларни янада кўркам-лаштиради.

СУРАТДА: нефтчилар шаҳарчаси маиший хизмат уйи модельери Римма Очиллова. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 17 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

Table with 4 columns showing exchange rates for various currencies: 1 Австралия доллари 160,49; 1 Аустрия шиллинги 18,89; 1 Англия фунт стерлинги 441,95; 10 Бельгия франка 64,42; 1 Голландия гульдени 117,93; 10 Греция драхмаси 7,56; 1 Дания кронаси 34,93; 1 БАА дирҳами 82,78; 1 АКШ доллар 304,02; 1 Миср фунти 82,39; 10 Испания песети 15,62; 100 Италия лираси 13,42; 1 Канада доллари 201,74; 1 Ҳонг юани 36,72; 10 Люксембург франка 64,42; 1 Малайзия рингити 80,01; 1 Германия маркиси 132,87; 1 Польша злотисини 64,96; 1 СДР 393,27; 1000 Туркия лираси 0,45; 1 Финляндия маркиси 43,71; 1 Франция франка 39,62; 1 Швейцария франка 172,15; 1 ЕВРО 259,88; 10 Жанубий Корея воши 2,70; 10 Япония иенаси 28,19; 1 Россия рубли 10,90; 1 Украина гривнаси 55,89

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасган.

Ислоҳот кирралари

Теридан турли либос

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Нуротда «Бухоро қоракўл» ҳиссадорлик жамиятига қарашли турдо корхона иш бошлади. Бу ерда қоракўл теридан тиклаётган «Манто» аёллар пальтоси, «Бекан», «Сарбон» деб номланган бош кийимлар тезда ўз харидорларини топди. «Бухороча», «Бойбола» қубанкалари, ширбоз терисидан тайёрланган пусти-лар харидорлар дидига мослиги, иссиқ, қулайлиги билан ажралиб турибди.

— Ҳозир жамоамизда 12 киши ишлаётти, — дейди корхона раҳбари Акмал Наврузов, — йил охиригача улар сонини икки баробар оширишимиз керак. Айни пайтда ўз кийимларининг жаҳон андозларига мос янги турларни ишлаб чиқаришга киришдик.

Ҳамроев номидаги гузар

Хатирчиликлар порлоқ келажак йўлида фидойилик кўрсатиб, халқ эъзозига сазовор бўлган кишлоқдошлари хотираларини доимо қадрлайдилар. Ириқ хуқал-ликка бош бўлган, сўнгра қўллаб-қувватлашган ташаббускор киши сифатида эл ҳурмати-ни қозонган, уста пахтакор Жу-макул Ҳамроев ҳам унутил-гани йўқ. Шароф Рашидов номи ширкат хўжалиги нар-казида бўлиб этилган маҳал-ла гузарига ана шу табаррук инсон номи берилди.

Гузар мажмуида бичиш-тиқчи, сарғатроқлик, этик-дўзлик, зардулат, нақшош-лик каби зинада кўрсатиш ва ҳунармандлик шохобчалари фаолият кўрсатаётти. Бу ерда савдо ҳамда тиббий хиз-мат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилганлиги кишлоқ меҳнат аҳли оғирини ёнгил қил-моқда.

Аксирмай десангиз...

2000 йил — Соғлом авлод йили



Дунё миқёсида аллергия хасталиклари билан оғриш ортиб бормоқда. Ҳозир ривожланган мамлакатлардан АҚШда аҳолининг 18-28,5 фоизи, Англияда 16, Францияда 20, Россияда 19,3 фоизи ана шу дарддан азоб чекмоқда.

Куни кеча эса Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан бутун дунёда аллергия касалликларга қарши кураш куни ўтказилди. Шифохоналарда шундай хасталик билан оғриган беморларга алоҳида эътибор қилиниб, уларга белул дори-дармонлар берилди, тиббий хизматлар кўрсатилди.

Кейинги вақтларда мамлакатимизда аллергия хасталикларининг олдини олиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Биз республика илмий-ихтисослашган аллергия маркази раҳбари, Европа Аллергология академияси аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Озодбек Назаров билан суҳбатимизни аллергия касалликлари ва унинг олдини олиш масалаларига бағишладик.

— Озодбек Аҳмедович, бу борада биздаги аҳвол қандай? Аҳоли ўртасида касалликнинг қандай турлари кўпроқ учрайди?

— Республикаимизда бу кўрсаткич 10 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Аллергия касалликлар орасида энг кенг тарқалганлари бронхит астма, пичан иситмаси, аллергия тумов, озиқ-овқат аллергияси, тери аллергияси касалликларидир. Фикримизнинг далили сифатида сўнги ўн йил ичидаги текширувлар натижаларига назар ташласак, аллергия хасталикнинг бор-йўғи икки тури бўйича, яъни бронхит астма ва аллергия дерматит хасталиклари Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Жиззах вилоятлари бўйича 25-30 фоизга кўпайган.

— Ҳозирги пайтда марказингизда давола-наётганлар орасида

дориларни қабул қилиб, аллергия хасталикларга чалинганлар ҳам анчагина. Шу масалага сизнинг муносабатингиз қандай?

— Маълумингизким, дори билан даволаш ҳозирги кунда табобатда кенг тарқалган муолажа усули ҳисобланади. Ҳозир биз XXI асрга кириб келаямиз. Ҳамма саводхон, ҳамма ўзига шифокор. Бошимиз оғриси анальгин, цитромон ичамиз, шамол-ласак пенициллин оламиз, иссигимиз чикса аспириин ичамиз ва ҳоказо. Лекин бу ўринда мен халқимизнинг ажойиб бир нақлини келтирмоқчиман — «Ўз билганча даво, бошга бўлур бало». Марказимизга ана шундай йул тутган беморлар ҳам олиб келинади. Демокчанки, дори ни ичишсин, лекин шу дори ни билиб, мутахассис билан бамаслаҳат ичишса, айни муддао бўларди.

Дори экан деб пала-партиш ичиш, айниқса, энг хавфлиси — бир гуруҳга мансуб дориларни ўзбилармонлик билан истеъмол этиш оқибати эса дори аллергиясига, аниқроғи, ўткир эшак еми, Квинке шиши, аллергия дерматит, Лайелла синдроми сингари оғир оқибатли хасталикларга олиб келиши мумкин.

— Аллергия касалликларининг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Ушбу касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларининг аҳамияти катта эканлигини ҳисобга олиб, мамлакатимизда махсус соғломлаштириш-тиклиниш дастурини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бундай чора-тадбирлар ҳар томонлама бўлиши керак, улар бирламчи ва иккиламчи тадбирларга бўлинади. Аввало ижтимоий умумдават чора-тадбирлари, яшаш шароити

ва меҳнат шароитини қулайлаштириш, ишлаб чиқаришдаги касбга оид зарарли омилларга қарши курашиш киради. Бунга яна тиббий (диспансер кўриги) ва алоҳида хусусий тадбирларни (чекишни ташлаш) ҳам қўшиш мумкин. Иккинчидан, беморларни шифохоналарда, поликлиникаларда, тиббий санитар қисмларда, санаторийларда даволаш ва соғлигини тиклаш, аллергиялогик кузатиш усулларини ташкил қилиш, мамлакатимиз миқёсида «Аллергия ва астма» мактабларини ташкил этиш лозим.

Аллергия касалликлари бор беморлар хонадонидан ортиқча юмшоқ жиҳозлар, гиламлар ва бошқа чанг йиғувчиларни чиқариб ташлаш лозим. Хоналарни фақат намланган усулда тозалаш ва рўзгорда ҳавони намлайдиган асбоблардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Аллергиянинг инфекцияга оид турларида инфекция ўчоқларини ўз вақтида даволаш-тозалаш (тонзиллит, синусит) керак. Озиқ-овқат маҳсулотларига аллергияси бўлган беморларнинг кундалик овқат маҳсулотларидан аллер-

генларни (шоколад, цитрус мевалар) истисно қилиш лозим. Ана шундай хасталиги бўлган ҳамма беморларга уй-рўзгорда ишлатиладиган кимёвий моддалардан фойдаланиш ман этилади. Организмни чиқариш ва унчалик оғир бўлмаган ҳисмоний меҳнат билан шуғулланиш ҳам касалликнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, беморларга спортнинг айрим турлари энгил атлетика, сузиш, теннис ўйнаш каби машғулотлар билан шуғулланиш тавсия этилади. Касалликларнинг олдини олишда касбни тўғри танлаш ҳам жиддий аҳамиятга эга.

Беморларнинг соғлигини кузатиб бориш усули (диспансеризация) санатория-курорт шароитида даволаш ҳам энг самарали усуллар ҳисобланади. Бунда курорт жойларнинг географик иқлим шароити, қулай ҳарорат, ўртача намлик, қуёш нурлари жуда ҳам юқори қиздирмайдиган шароит, атмосфера ҳавосида поллютантлар муаллақ ҳолда турувчи бирикмалар бўлмаслиги етакчи ўрин тутди.

«Халқ сўзи» мухбири Фарҳод УСМОНОВ ёзиб олди.

Шўманай толасига — олтин соврин

Истиқлол шарофати билан «Қорақалпоқдавлатпахтасаноатсотиш» уюшмаси корхоналаридан бир нечаси халқаро совринларга сазовор бўлган эди. Яқинда Испания пойтахти Мадриддан яна бир хушхабар келди. Халқаро Сифат ва тақомиллаштириш қўмитаси «Шўманай мотиғи» ҳиссалорлик жамиятида ишлаб чиқарилган ва хорижга экспорт қилинган пахта толасига олтин соврин бериш тўғрисида қарор чиқарди.

Корхонада шу йилнинг ўзида 4480 тонна аҳоли сифатли тола ишлаб чиқарилиб, унинг асосий қисми хорижлик истеъмолчиларга жўнатилади.

Ният-жаҳон бозори

«Шўраҳон» ширкат ҳўжалиги наинки Тўртқул туманида, балки бутун Қорақалпоғистонда пилла етиштирадиган йирик жамоалардан ҳисобланади. Муштақиллик берган имкониятлар боис, ширкат ҳўжалиги ўз пилласини ўзи қайта ишламоқда.

Қишлоқда фаолиятини бошлаган «Ипакчи» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси маҳаллий пилладан сара ипак калава олмақда.

— 35 нафар шўраҳонликни иш билан таъминладик, — дейди фирма раҳбари Ҳ. Холбоев. — Ихлос билан ўраётган ипагиниз жаҳон бозорининг бир бурчагини «забт» этса, ажаб эмас!

Янгибўй КҲҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЧИҚ ЖАМИАТ ИНСТИТУТИ ҚўМАҚ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ОРАСИДА ОЖИКЖ — ЎЗБЕКИСТОН ГРАНТЛАРИ УЧУН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловнинг мақсади: Маориф соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш. Танловда нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун ОчИқ жамият институтига қуйидаги ҳужжат ва материаллар (ишга мўътадил) топширишни лозим:

- Куйидаги маълумотлар келтирилган титул варақа:**
 - Ташкилот номи.
 - Манзил (почта индекси аниқ кўрсатилган лозим) телефон ва факс рақамлари, ташкилот электрон почта адреси.
 - Лойиҳа директори.
 - Лойиҳа бажарилиш муддати (12 ойдан ошмаслиги керак).
 - ОчИқ жамият институтидан сўраладиган маблағ (АҚШ доллариде кўрсатиллади).
 - Лойиҳанинг умумий қиймати АҚШ доллариде (агар бошқа донорларнинг ҳам мазкур лойиҳада улуши бўлса)
- Лойиҳанинг баёни (унда қуйидагилар аниқ ифода этилиши керак):**
 - Муаммолар
 - Лойиҳа мақсади
 - Лойиҳани амалга ошириш йўллари
 - Лойиҳанинг амалга оширишдан қўтилаётган натижалар
 - Лойиҳа бюджети (АҚШ доллариде). Бюджетни жорий этишда ташкилот ҳисобига ўтказиладиган пул маблағлари Марказий Банк томонидан ўша куни белгиланган биржа курси бўйича сўмда бўлиши эътиборга олиниши керак.
 - Лойиҳа натижалари тааллуқли бўлган шахс ва ташкилотлар.
- Ташкилот Устави нусхаси**
- Рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома**

ОчИқ жамият институтига танловга қатнашган барча ҳужжатлар лойиҳа директори томонидан имзоланиши ва ташкилот муҳри билан таъминланган бўлиши керак.

Танловга тижорат мақсадларини қўзғалаган, жаҳолат ҳамда миллатлар ўртасида адоват қўзғатувчи диний, irqий ва миллий низоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган лойиҳалар учун аризалар қабул қилинмайди.

Таълим соҳасидаги долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилган, Бюджети ҳаққоний ифодаланган ва бошқа донорлар томонидан ҳам маблағ билан таъминланадиган; Иқтисодий жиҳатлари ва қўтилаётган натижалари асослаб берилган ҳамда грант муддати тугагандан сўнг ҳам ўз ўзини молия билан таъминлаш имкониятлари кўрсатилган лойиҳалар рағбатлантирилади.

Ҳар бир ташкилотдан фақат битта лойиҳа қабул қилинади. ОчИқ жамият институтидан маблағ олиб, илгариги лойиҳаларни тугалламаган ташкилотларга танловда иштирок этишга ружсат этилмайди.

АРИЗАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УШБУ ЭЪЛОН ГАЗЕТАДА ЧОП ЭТИЛГАН КУНДАН БОШЛАНАДИ.

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИНГ СўНГИ КўНИ — 2000 ЙИЛ 8 НОЯБР.

ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИ 2000 ЙИЛ 8 ДЕКАБР КУНИ ЭЪЛОН ЭТИЛАДИ.

Қўшимча маълумот учун ОчИқ жамият институтини — Ўзбекистон ваколатхонасига мурожаат қилишингиз мумкин. Аризалар қуйидаги манзилга тақдим этилиши лозим: Тошкент шаҳри, 700031, Зорбоғ кўчаси, 31-уй. ОЖИКЖ. Факс: 120 68 54, Тел.: 152-27-41, 152-36-98, 152-39-15, 152-39-16. E-mail: osi@osi.freenet.uz sayora@osi.uz svetlana@osi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«XXI АСР»

деб аталган қисқа муддатли омонатни тақлиф этади

Омонатга пул 2000 йил 16 октябрдан 31 декабргача қабул қилиниб, йилига 75% фойда тўланади (фоизлар ҳар ойда капиталлаштирилади)

Омонатни сақлаш муддати 2001 йил 5 январгача

«Сўм карточкаси» омонати (пластик карточка қўлланадиган) сўм карточкаси эгаларига ҳаёт ва саломатликни белул сўғурталаш имкони берилади

— йилига 36% фойда тўланади, ҳар ойда талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилиши натижасида фойда **йилига 42,6%ни ташкил этади**

Шунингдек, муддатли омонатларнинг барча турлари бўйича фоиз ставкалари жорий йилнинг охирига қадар оширилишини ҳам маълум қилади

«Таътил» омонати (талаб қилиб олинмаган ҳисобварақларга доир шартномалар ўз-ўзидан давом эттириладиган, 3 ой муддатли).

— йилига 48% , ҳар ойда капиталлаштирилганида йилига - 60%

«Оқсоқол», «Меҳрибон она» (1 йил муддатли) **— йилига 37%**

«Тўёна» (2 йил муддатли) **— йилига 42%**

«Сарпо» (3 йил муддатли) **— йилига 43%**

«Келажак» (камида 5 йил муддатли) **— йилига 36%**

«Янги авлод» (муддати 2001 йил 3 январгача) (МБнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича). **— йилига 48%**

«Муддатли» (5 йил муддатли) **— йилига 52%**

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — пулларингиз гаромадлиги ва сақланишига кафолатдир.

Қўшимча маълумотларни Сиз (998 71) 137-62-83, 137-62-81 рақамли телефонлар орқали ёки «Умумий банк»нинг исталган бўлим ва филиалдан олишингиз мумкин.

ОСМА

AMF Mineralplatten GmbH — Германия

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ

осма шиллар ишлаб чиқарувчи Европадаги етакчи корхона Тошкентдаги омондоран барча турдаги ўз маҳсулотини тақлиф этади. Урнатилган металл конструкциялар билан бирликда 60x60 см.даги шилларнинг турли кўринишлари.

СПЕЦИМНО Глинка к., 19. ф. 152-66-10, 55-47-40.

ДИЛЕРЛАР: МЧЖ «VIKERS» СУ Халқлар Дўстлиги к., 100. Тел.: 79-75-09, 79-05-55.

БЎЁҚЛАР

РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ РАНГДА

ПФ - 115, НЦ - 132, ХФ - 161 (деворларга)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Ботаника ботаник жамоаси катта илмий ходим Хусан Нуртасга онаси

Оқил ва КОМИЛОВнинг пафот этганиги муносабати билан ҳамдарлик билдиради.

Тошкент Давлат Иқтисодий университети жамоаси ва замона ташкилотлари, университет ректори Раимов Алимовга уқаси

ШАРИФЖОНнинг пафот этганиги муносабати билан чуқур тазия изҳор қилади.

ЎҚУВ МОЛЛАРИ

Тел.: (998-712) 78-38-68; Қатортол к., 60.

UZEXPOCENTRE ХўРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАРИ

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЗАЧИХОНАСИ ҚОШИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ВА САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ (KOTRA)

Сизни 2000 йил 24-27 октябр кунлари UZEXPOCENTREнинг 1-павилионида соат 10.00дан 17.00 гача бўладиган **CONSUMER EXPO-2000** халқ истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмасига тақлиф этади.

Сиз ушбу корейе компаниялари билан танишиш ва амалий муносабатлар ўрнатиш имкониятларига эга бўласиз.

Компаниялар номи	Компаниялар тақдим этиладиган маҳсулотлар тури
So Young Textile Co., Ltd	Синтетик матолар (газмол, трикотажи), сунъий шойи матолар
Romanson Co., Ltd	Қўл соатлари, сумкалар
Heechang Dairy&Food Industry Co., Ltd	Алкополисахидлар учун концентрат(қаймоқ)сут экстракти, какао уни, эрийдиган ёрнгоқли чай, калориали овқат, олма ва шафтоли шарбати экстракти, цитрусли чай, эрийдиган қоқоқ шўрва
EOR Co., Ltd	Иссиққай қопиланган фольга, сураткашлик пластинаси, ериқлар учун бир томонлама қоплама қоғоз, металл чанглатилган қоғоз
Daesung Pharm Co., Ltd	Юмшоқ женшень капсулалари
EUNHA Co., Ltd	Ошхоналар учун ҳаво сўргич (SB-6010, HSB-6060, SSB-6048T) Ваннахона учун шамоллатгич
Sun Safes Mfg Co., Ltd	Оловга чидамий сейфлар, меҳмонхона, шунингдек, деворга қўйиладиган сейфлар
CAS Corporations	Электрон тарозилар
Dae Joon Textile Co., Ltd	Синтетик матолар(газмол ва трикотажи), сунъий шойи матолар
Orient AV Co., Ltd	Аудио намойиш тизими
BBL Co., Ltd	Шоколадли печеньелар
Hai Sung Textile Co., Ltd	Синтетик матолар(газмол ва трикотажи), турли кашталар

